



МАНБАШҲУНОСЛИК ВА МАТНШҲУНОСЛИК

БУХОРО ХОНИ УБАЙДУЛЛОХОН II НИНГ УСМОНЛИ ПОДШОҲИ АҲМАД III ГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ

КАРАЗЕЙБЕК МУСТАФА

Доцент, Афён Кўжатаена университети

АЛТИНБАЕВ НУРИДДИН

Ўқитувчи, ТДШУ

Аннотация. Туркия кутубхоналари ва архивларида Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида бир қанча манбаа мавжуд. Мазкур иш, Усмонли архивидаги бир мактуб устида олиб борилди. Усмонли архивларидаги Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ ҳужжатлар асосан XVI асрнинг ўрталаридан бошланади ва мунтазам ортишида давом этади. Алоқалар натижаси сифатида ҳозирги кунда Усмонли архивларида жуда кўп ҳужжат мавжуд. Ўз навбатида Ўзбекистондаги кутубхона ва архивларда ҳам Туркия тарихи ва маданиятига оид кўплаб маълумотлар сақланмоқда. Бу ҳужжатлар устида илмий ишлар кўпайтирилиши ва илм аҳлига танитилиши керак. Биз устида ишлаган мактуб Бухоро хонлиги ҳукмдорларидан Убайдуллахон II нинг Усмонли подшоҳларидан Аҳмад III га 1706 йил 6 апрель санада юборилган. Мактуб ҳозирда Туркия Республикаси Президент девони ҳузуридаги давлат архивлари бошқармасига қарашли Усмонли архивида сақланмоқда. Мактуб ўша даврнинг ёзишма тили, услуби, дипломатик хусусиятлари ва тарихий ҳодисалари ҳақида муҳим маълумот беради. Ёзилиши сабаби эса, Убайдуллахоннинг тахтга чиққанлигини билдириши ва шу билан бирга Султон Аҳмаднинг тахтга чиққанлигини қўллашдир. Шунингдек, Убайдуллахон амалга оширган ишлар ва икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг аҳамиятига ҳам тўхталган ва муносабатларни ривожлантирилишига доир тилаклари келтирилган. Мактуб туркийда ўта оғир тилда ёзилган. Матнда кўп миқдорда арабча ва форсча сўзлар ва бағоятли, юқори даражадаги адабий усул қўлланилган. Ўша давр ёзув хусусиятларидан бири пунктуациянинг ишлатилмаганлиги. Мактубнинг тил ва услуб хусусиятларидан яна бири эса, фикрлар баён қилинаётганда уни дастаклаш ва далиллаш мақсадида ўша гапнинг ўзида бир нечта тафсилот берилишидир. Бу хусуслар гапларнинг бошланиши ва тугаши жойларини белгилашни қийинлаштирганидек, тушунишни ҳам анча мушкуллаштиради. Фикр ва мулоҳазаларни дастаклаш ва далиллаш мақсадида берилган тафсилотлар, ўша давр маданий ва эътиқод хусусиятларини ва даражасини ҳам кўрсатади. Мазкур иқтибослар асосан Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифлардир. Ушбу иш биринчи қўл манбага таянган бўлиб, XVII аср охири ва XVIII аср бошларидаги турк-ўзбек муносабатлари ҳамда ўша давр ўзбек тили, тарихи ва маданияти ҳақида айрим маълумотларни илм дунёсига таништиради.

Таянч сўз ва иборалар: Убайдуллахон II, Султон Аҳмад III, Бухоро хонлиги, Ўзбекистон, Усмонли давлати, Бухоро хони, Усмонли подшоҳи, мактуб.

Аннотация. В библиотеках и архивах Турции имеется много ресурсов по истории и культуре Узбекистана. Данное исследование было проведено на основании письма в османских архивах. Документ, связанный с историей Узбекистана, начинается с середины XVI века. Письмо, над которым мы работали, было датировано 6 апреля 1706 года и отправлено одним из правителей Бухарского ханства Убайдуллой Ханом II одному из османских султанов Ахмету III. Оно находится в османских архивах Государственного архива Турецкой Республики. Документ содержит важную информацию о языке и стиле переписки, дипломатических особенностях исторических событиях того времени. Причина – информирование о восхождении Убайдуллы Хана на престол, а также поздравление султана

Ахмета. Упоминается важность отношений между двумя государствами, выражаются добрые пожелания их развития. Письмо написано на сложном древнетюркском языке. Это риторический литературный текст высокого уровня, использующий большое количество арабских и персидских слов, знаки препинания отсутствуют. Другая особенность языковых и стилистических особенностей письма заключается в том, что для поддержания и подтверждения идеи в одном предложении использованы несколько цитат, раскрывающие особенности культуры, веры и мировоззрения периода. В роли цитат выступали стихи из Корана и Хадисы. Такие особенности в начальной и последней позициях предложения затрудняют их понимание.

Данное исследование на основе первоисточника информирует научный мир о турецко-узбекских отношениях, об истории и культуре, а также особенностях узбекского языка того периода.

Опорные слова и выражения: Убейдулла Хан II, Султан Ахмет III, Бухарское ханство, бухарский хан, Османская империя, османский султан.

Abstract. There exist numerous resources about the history and culture of Uzbekistan in the libraries and archives of Turkey. This work is about a letter from the Ottoman archives. Documents related to the history of Uzbekistan in the Ottoman archives began to be seen especially in the middle of 16th century and continued to increase permanently. As a result of the relations, there are many documents in the Ottoman archives. In return, it is known that a great number of documents about Turkish history and culture are saved in the libraries and archives of Uzbekistan. Scientific works on these documents should be increased and brought to the scientific world. The letter that we work on, was dated 6 April 1706 and sent by Ubeydullah Khan II of Bukhara khanate to the Ottoman Padishah Ahmet III. The letter is saved in the Ottoman Archives operating under the Presidency of the Republic of Turkey Department of State Archives. The letter gives essential information about wording, style of language, diplomatic features and historical events in that period. The reason for writing this letter was to declare the accession of Ubeydullah Khan II and to celebrate the accession of Sultan Ahmet. In addition, the work done by Ubeydullah Khan and the importance of the relations between the two countries were mentioned and good wishes were made for their development. The letter was written in old Uzbek (Turkic) language. It is an eloquent and advanced level text in which a number of Arabic and Persian words were used. One of the writing features of the period is the absence of punctuation marks. Another feature of the letter's wording and style is to include several quotations in the same sentence while expressing the idea in order to support and prove the idea. These issues make it difficult to determine the starting and ending places of the sentences as well as making it hard to understand. The quotations included to support and prove ideas and thoughts also reveal the cultural and religious features and levels of the period. The quotations in question are largely verses and hadiths from the Qur'an. This work relies on the first-hand resource and brings in some information to the scientific world about Turkish-Uzbek relations, Uzbek language, history and culture in the late 17th and early 18th centuries.

Keywords and expressions: Ubeydullah Khan II, Sultan Ahmet III, Bukhara Khanate, Uzbekistan, Ottoman Empire, Khan of Bukhara, Padishah of Ottoman, Letter.

Кириш. Тадқиқ қилган матнимизнинг тури мактубдир. Дипломатик жихатдан мактуб икки шаҳар ёки икки давлат ўртасида кишилар томонидан иш, табрик, таъзия в.б. сабаблар билан ўзаро юборилган ёзишмалардир¹. Ушбу мактуб 1706 йил 6 апрель санаси билан Ўзбек хонликларида Бухоро хонлиги ҳукмдорларидан Убайдуллахон II томонидан Усмонли подшоҳи Аҳмад III га юборилган.

Убайдуллахон II нинг тўлиқ исми Убайдулло Муҳаммад Баҳодирхон бўлиб. 1681 йил Бухорода туғилган. Аштархонийлар сулоласидан Субҳонқулихоннинг ўғлидир. Субҳонқулихон валиаҳд сифатида набираси ўша кезлар Балх вилоятининг ҳокими Муҳаммад Муқимхонни тайинлайди. Лекин Бухоро уламолари ва қўшиннинг мададига таяниб, Убайдуллахон II тахтни эгаллайди. Унинг ҳукмронлик йиллари Бухорода мураккаб шароит: иқтисодий

¹ Kütükoğlu, M. S. Osmanlı Belgelerinin Dili (Diplomatik) [The language of Ottoman documents(Diplomacy)], Kubbealtı Yayınları, İstanbul 1994, p. 221.

таназзул, ички низолар, қалмоқларнинг ҳарбий босқинлари, улардан қочган қозоқ ва қорақалпоқларнинг Мовароуннаҳрга кўчиш жараёнлари ҳукм сураётган эди. Бу танглик вазиятдан чиқиш ва давлатни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширади. Хусусан, иқтисодий ислохотлар қилиш, давлатнинг маъмурий бошқарувига хунарамандлар ва савдогарлардан ташкил топган ўрта табақани жалб қилиш, йирик ер эгаларининг имтиёзларини қискартириш орқали давлат хазинасини тўлдириш, айирмачиликларни барта-раф қилиш каби чора тадбирларни амалга оширади. Булардан кутилган мақсад марказий ҳокимиятни кучайтириш бўлган. Қилинган тадбирлар айниқса, шу пайтгача солиқ тўламай келган йирик ер эгалари - Жўйбор шайхларига ёқмайди ва катта сиёсий куч ҳисобланувчи бу шайхлар Убайдуллахон II учун хатарли муҳолифга айланадилар. Убайдуллахон II 1711 йил 16 март куни саройда чиққан фитна натижасида Пири Мирза чорбоғида ўлдирилади¹.

Мактуб юборилган Аҳмад III эса Усмонли подшоҳи Меҳмед IV нинг ўғли ва Мустафо II нинг укаси-дир. Онаси Робия Амадуллоҳ Гулнуш Султондир. Аҳмад III 1673 йил 31 декабрда дунёга келган. У 1703 йил Эдирна воқеаси асносида 17 августда осийлар томонидан тахтга чиқарилади ва бир кундан кейин Чорлуда номига хутба ўқилади. 23 августда унга байъат маросими ўтказилади ва расман тахтни эгаллайди. 1730 йилда Патрона Ҳалил исёни содир бўлади. Аҳмад III осийларга қарши муваффақият қозона олмагач, эртаси кун уларнинг талабларини қабул қилишга мажбур бўлади. Бир кун кейин эса тахтдан мажбуран туширилиб, ўрнига Маҳмуд I ўтказилади. 1730 йил 1 окябрда Тўпқопи Саройининг тахтдан туширилган подшоҳлар учун ажратилган хонага юборилади ва ҳаётининг қолган олти йилини шу ерда ўтказди. 1736 йил 24 июнда олтмиш уч ёшида вафот этади².

Ушбу мактуб Истанбулдаги Туркия Республикаси Президент девонига қарашли Давлат архивлар бошқармаси Усмонли архивида сақланаётган Номайи Ҳумоюн дафтари-дан жой олган³. Усмонлилар даврида мактуб ўрнида “нома” сўзи кенг қўлланилган. Номатуркчада мактуб, фармон, битиг, буюрилди маъноларида келади. Ҳумоюн эса подшоҳ, подшоҳга оид деганидир. Номайи Ҳумоюн эса подшоҳ томонидан бошқа давлат ҳукмдорларига, Қрим хонларига, Макка шарифларига, Доғистон ва Грузия ҳокимларига, Эрдол киро-лларига, Аф-лақ-Боғдон войводаларига, Марокаш ҳокимларига ва Ўзбек хонларига юборилган мактублар учун қўлланиладиган ифодадир⁴. Бу ҳукмдорлардан келган мактубларнинг нусхалари эса Номайи Ҳумоюн дафтари-га кўчирилган. Усмонли архивида 1699-1872 йиллари орасидаги қайдларни ўз ичига жамлаган 18 донатурномайи Ҳумоюн дафтари мавжуд⁵. Тадқиқ қилаётган мактубимиз “*Rikâb-ı Hümâyûn-ı Şevket-makrûna Özbek Hanı Ubeydullah Han'dan Gelen Nâme Sûretidir*” (Салтанат эгаси подшоҳ хузурига Ўзбек хони Убайдулла Хондан келган мактубнинг нусхасидир) тарзда қизил сиёҳда туширилган изох остига қайд қилинган. Ушбу ифодада ҳам очиқ-ойдин айтилганидек, тадқиқ қилаётган матнимиз мактубнинг дафтарга ёзилган кўчирмасидир, яъни нусхаси.

¹ Rajabov Q. Ubaydullaxon II [Ubaydullah khan II] OʻzME, 9-jild, Toshkent davlat ilmiy nashriyoti, Toshkent 2005, 33-b.

² Aktepe, M. Ahmed III, *DİA*, C. 2, Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, Ankara 1989, 34.-37 ss.

³ T.C. Cumhurbaşkanlığı Devlet Arşivleri Başkanlığı Osmanlı Arşivi (C.O.A.), ADVNSNMH.d.6, s. 117-120

⁴ Kütükoğlu, M. S. Osmanlı Belgelerinin Dili (Diplomatik) [The language of Ottoman documents(Diplomacy)], Kubbealtı Yayınları, İstanbul 1994, s. 146.

⁵ Türe, İ., Kaynar, S. *Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi* [The Guidebook of the Ottoman Archives of the Prime Minister's Office], 4. Baskı, Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü Yayını, İstanbul 2017, s. 52.

Мазкур ишдан кўзланган мақсад, Убайдуллахон томонидан юборилган мактубнинг биринчи галда транскрипциясини қилиш ва матнни соддалаштириш, кейин эса мактубни бир неча жиҳатдан кўриб чиқишдир.

Мактубнинг дипломатик хусусиятлари ва моҳияти

Даставвал мактубнинг ёзилиш сабабини аниқлаб олиш фойдадан холи бўлмайди. Хукмдорлар ўртасидаги ёзишмаларнинг бирламчи хусусларини жулус (тахтга чиқиш), сулҳ, элчи юборилиши, тижорий масалалар ва ёрдам талаби тарзида санаб ўтиш мумкин¹. Ушбу мактубнинг ёзилишидаги бош ғоя эса жулусдир, яъни тахтга чиққанлини, бошқача айтганда Бухоро хонлигининг хукмдори бўлганлигини билдиришдир. Матн таркибидаги “Serîr-i hilâfet kubbetü'l-islâm Buhârâ hamîyyet-i anî'l-âfât ve'l-belâyâ bize müfevvaz oldu” (Балою офатлардан ҳимояланган Исломнинг қуббаси Бухоронинг халфалик тахти бизга берилди) ифода мактуб ёзилишининг бош ғоясига ишора қилади. Шу билан бир қаторда Аҳмад III нинг тахтга чиққанлиги билан табриклаб, икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни баён қилади.

Мактуб басмала (бисмиллаҳир роҳманир роҳим) билан бошланади. Басмаладан кейин Султон Аҳмадга хитоб келади. Хитобда Аллоҳнинг Сомад исми қўлланилиб, Султон Аҳмаднинг Унинг дастаги билан қувватлангани ифодаланади. Султон исмининг ортидан эса “Аллоҳ унинг фароғат ва саодатини доим қилсин” тарзидаги дуо келади. Усмонли ҳужжатларида исмлар ортидан дуоларнинг берилиши кенг тарқалган хусусиятлардандир.

Мактубда хитоб қисмидан кейин “даъват” қисми жой олади. Номайи Ҳумоюнларда “даъват” қисмида Аллоҳнинг исми зикр қилиниб, ёрдам сўралади. Бундан ташқари, Муҳаммад (с.а.в.) шафоати ва унинг тўрт халифасининг йўллари ният қилинади². Ушбу мактубда даъват қисми узун ёзилган. Бу қисмда Аллоҳдан ёрдам сўралган, шу билан бирга Аллоҳга шукр айтилиб, сифатлари баён қилинган. Шунингдек, инсоннинг яратилишидаги ғоя, хусусиятлари ва унга берган неъматлар оятлардан иқтибос келтирилиб изоҳланган. Ундан кейин Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)нинг васфлари келтирилиб, дуо ва саловат йўлланади. Кейин эса саҳобалар, хусусан, дастлабки тўрт халифа васфлари баён қилиниб, улар учун Аллоҳдан раҳмат сўралади.

Усмонли хукмдорларининг номайи ҳумоюнларида кўзга ташланадиган “унвон” қисми бу мактубда учрамайди. Мактубнинг даъват қисмидан кейин Султон Аҳмад учун қўлланилган узун “Алқаб”(лақаб) қисми ўрин олган. Алқаб Ислом давлатларида турли мансабдорлар ва диний тариқат мансубларига берилган унвон ёки уларнинг сифатларини ифодаловчи тушунчадир. Усмонли ҳужжатларида номайи ҳумоюнларда ҳам алқаб келтирилади³. Алқабнинг соддалаштирилган ҳолати қуйидагича:

“Хукмдор табиатли, улуғ мартабали буюк Ҳазрат, Хуршид қиссаларида макталган, амирлик нурлари билан ойдинлатган, Фаридун мижозли, Искандар билимли, Кайхусрав ҳикматли, Нуширавон фитратли, хотиржамлик ва хавфсизликни оширган, эҳсон ва адолат тарқатувчи, Кисралар хонадони ишончи, Қайсарлар хонадонининг асли, суннат ва жамоат ҳавзасининг ҳимоячиси, далолат ва бидъат асоратларини йўқ қилган, Макка ва Мадина хизматчиси,

¹ Kütükoğlu, M. S. Osmanlı Belgelerinin Dili (Diplomatik) [The language of Ottoman documents(Diplomacy)], Kubbealtı Yayınları, İstanbul 1994, s. 153-154.

² Kütükoğlu, M. S. Osmanlı Belgelerinin Dili (Diplomatik) [The language of Ottoman documents(Diplomacy)], Kubbealtı Yayınları, İstanbul 1994, s. 146.; Gökbilgin, T. Osmanlı Paleografya ve Diplomatik İlmi [Ottoman paleography and diplomatic science], Enderun Kitabevi Yayını, İstanbul 1992, s. 54.

³ Kütükoğlu, M. S. Elkâb [Patronymics], *DİA*, C. 11, Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları, Ankara 1995, s. 51.



муқаддас мақомларнинг кузатувчиси, эҳсони туганмас мулк эгаси [Аллоҳ]нинг эҳсони унга берилган”

Алқабда тарихдаги энг юксак устунликларга эга бўлган ҳукмдорларга нисбатлар берилди. “Суннат ва жамоат ҳавзасининг ҳимоячиси, далолат ва бидъат асоратларини йўқ қилган, Макка ва Мадина хизматчиси” ифодалари орқали ўша даврда Усмонли ҳокимияти остидаги Ислом дунёсида аҳамияти юксак бўлган муқаддас жойларнинг ҳимоячиси ва хизматкори бўлишдек хусусиятлар келтирилади.

Алқаб ортидан дуо моҳиятли яхши тилаклар тортиқ қилинади ва ундан кейин эса ёзишма усулларида учрайдиган “етказиш/билдириш” қисми келади. Бу қисмда мактубнинг ёзилишига сабаб бўлган хусус баён қилинади. Бу қисмда Убайдуллахон Султон Аҳмадга Бухоронинг халифалик тахти, яъни ҳукмдорлиги ўзига берилганлигини маълум қилади. Буни айтишдан аввал ўзининг азалдан бери толеи баланд бўлганлигини ва ортидан ҳукмдорликка кўтарилишининг сабабларини изоҳлашга қаратилган икки оят келтиради. Уларнинг биринчиси “*уларнинг ортидан сизларни ер юзида ўринбосар қилдик*”¹, кейингиси эса Анбиё сурасидан “*Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар*”². Бу оятлардаги ифодаларни далил сифатида келтириб, ҳукмдорлик унинг ҳаққи эканлигини билдиради. Бошқа томондан ҳукмдорликка олимлар, шайхлар, раҳнаомлар, улуғ олимлар, фозиллар ва бутун халқнинг иттифоқи орқали “Исломнинг қуббаси бўлган Бухоронинг халифалик тахти” унга топширилганлигини ёзади. Шу ерда икки ифода: биринчиси, Убайдуллахон ўзини “Халифа” сифатида ифодалаши, иккинчиси эса Бухорога нисбатан “Исломнинг қуббаси” таъбири қўлланилиши диққатни тортади.

Халифалик тахтига ўтирганини маълум қилгач, инсонлар ва жинларнинг пайғамбари олиб келган ҳукмларнинг ижросини бажариш вазифаси ўзига берилганлиги ва зиммасидаги бу омонатнинг маъсулияти учун Аллоҳ ёрдамига ишора қилувчи Ғофир сурасидан “*Ишимни Аллоҳнинг ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир*”³ оятини келтиради. Яна Аллоҳнинг пайғамбари “*Бир соатлик адолат етмиш йиллик (нафл) ибодатдан афзалдир*” ҳадисининг моҳиятини англаган ҳолда, у келтирган қоидалар ҳукмронлик даврида ривож топишини Аллоҳдан сўрайди.

Кейин эса Аллоҳга ҳамд айтиб, чегара ҳудудларда амалга оширган ишларини санаб ўтади. Бунга кўра, ёмғир томчиларидан ҳам кўп дея таърифлаган кўшини берилган фармонга содиқ қолган ҳолда ён-атрофдаги кофир ва мушриклардан етаётган зиёнларни бартараф қилиш ҳамда мусулмонлар ва Исломни кўриқлаш учун ғайрат қилганлар. Шунингдек, Ислом нури билан куфр ва қоронғулик ойдинланган, ҳудуд обод бўлган ва инсонларнинг осойишталиги таъминланган. Хусусан, қалмуқлар аскарсиз ва от-уловсиз қадимий юртини ва уйларини ташлаб, деҳқончилик қилинмайдиган чўлларда сарсон қилинган. Бошқа томондан, авваллари уларга тобе бўлмаган Хоразм волийси, унинг ҳудудидаги қабилалар ва қишлоқлари билан бирга аскарларига итоат қилиб унга бўйсунган. Шу билан бир қаторда, Қозоқ, Қорақалпоқ ва Дашти Қипчоқ султонларининг аскарлари ҳам унинг хизматига кирган.

Мусулмонларга зиён бераётган Тўнбеки ва Хотирлайи(?) Қозоқ ҳам ғозийлар қиличларидан насибаларини олганлар. Қолган далолат ва бидъат аҳли яшаётган жойлар иймон ва ҳақ

¹ Shayx Muhammad Yusuf M.S. Tafsiri Hilol, 3-juz, “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent 2012, 15-b.

² Shayx Muhammad Yusuf M.S. Tafsiri Hilol, 3-juz, “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent 2012, 667.

³ Shayx Muhammad Yusuf M.S. Tafsiri Hilol, 5-juz, “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent 2012, 262-b.



аҳлининг ватанига айланган, черков ва кофир ибодатхоналари машварат ва жума ўқиладиган жойлар ҳолига келтирилган. Кейин буларнинг ҳаммаси учун Аллоҳга шукрона айтган.

Мактубнинг охирги қисмида аввал ҳамкорликлари туфайли не чоғлиқ хурсанд эканлигини ифодалайди. Унинг ортидан барча мусулмонларнинг бир-бирига муҳаббатли ва дўст бўлишлари учун дуо қилади. Шунингдек, ўзаро ишонч нишонаси ўлароқ истиқболдаги яхши кунлардан хабар бериш мақсадида ушбу мактубни ёзганлигини айтиб ўтади. Хўжа Муҳаммад Амин элчи қилиб юборилганлигини билдириб, элчилик маросими ташкиллаштирилиши учун рухсат сўрайди. Охирида, подшоҳ ва оиласи учун Аллоҳдан мадад тилаб мактубни якунлаган ва сана қўйилган.

Мактубнинг тил хусусиятлари

Мактуб юқори савияли, бошқача айтганда бадий тилда ёзилган. Матнда кўплаб арабча ва форсча сўзлар ва тушунчалар қўлланган. Шунинг учун матннинг ифода тили жуда бой, лекин уни тушуниш жуда ҳам мушкул.

Матнни тушунишни қийинлаштирган бир қанча сабабни санаш мумкин. Биринчиси, юқорида ҳам айтганимиздек, арабча ва форсча сўзлар ҳаддан зиёд кўп ишлатилган; иккинчиси, пунктуация белгилари қўйилмаган. Маълумки, эски матнларда, айниқса, архив ҳужжатларида пунктуация белгилари умуман олганда ишлатилмайди. Бу эса айрим ҳолатларда матнни тушунишни жуда ҳам мураккаблаштиради. Бу муаммо шу турдаги матнларни ўқиш ва ҳужжат тили, ёзишма усуллари ва қолипларини ўрганиш паралел равишда уларни тушунишга имконият яратади. Лекин бу мактубдаги каби баъзи матнларда ифодаланаётган фикр ва мулоҳазани дастаклаш ва далиллаш мақсадида тез-тез иқтибослар берилиши матнни тушунишни қийинлаштиради.

Мактубда кўплаб ҳурмат ва эътибор ифодалари қўлланилган. Шу билан бирга фикр ва мулоҳазаларни қувватлаш ва далиллаш учун бир қанча оят ва ҳадис келтирилган. Ҳадис ва оятларнинг боши ва охири билинмайдаган узун гаплар таркибида берилиши мактубни тушунишни яна ҳам қийинлаштирган омилдир.

Бизни тушунишда қийнаган бир қатор масалалар аслида мактубни ёзган шахснинг илмий, бадий ва маданий савияси билан бирга унинг салоҳияти қанчалик юксак эканлигини исботловчи далиллардир. Мактубда узун ва умумий гаплар бўлишига қарамасдан, уларда мантикий ва структур ғализлик кўзга ташланмайди. Шунинг билан бир қаторда ифода ғализлиги ёки камчиликлари ҳақида фикр юритиш ҳар қанақасига ноўриндир ва, аксинча, бу борада ёзган шахснинг маҳорати таҳсинга лойиқдир.

Мактубнинг муаллифи жуда яхши даражада Ислом маданиятига эга эканлиги ҳам диққатга сазовор. Унинг исломий билимини бир неча ўринда келтирган фикрларини оят ва ҳадислар билан дастаклашидан фаҳмлаш мумкин.

Мактубнинг Транскрипцияси

Rikâb-ı Hümâyûn-ı Şevket-makrûna Özbek Hanı Ubeydullah Han'dan

Gelen Nâme Sûretidir Bismillâhirrahmânirrahîm

El-mü'eyyed be-te'yîdi'l-meliki's-samed Sultân Ahmed ebbede-ikbâlehû

Leâlî-i mütelâlî-i hamd ü sipâs-ı bî-hadd ve cevâhir-i zevâhir-i şükr ü sitâyîş-i lâ-yuhsâ ve lâ-yu'ad ol Mâlikü'l-mülk -te'âlâ ve tekaddes-e lâyıkdır ki mâhiyât-ı mümkineyi; "*küntü kenzen mahfiyyen fe-ahbebtü en u'refe*" hîzânesinden ve nev'ul-envâ'-ı insanı ahsen-i vücûh ile; "*Le-kad halakne'l-insâne fî-ahseni takvîm*" muktezasınca inşâ ve ihtirâ' kılub cemî'-i esmâ' ve sıfât-ı kemâl ile mevsûfdur ve şerîk ve şebîh ve cümle simât-ı noksân u zevalden münezzeh ü müberrâdır ve hükm-i nâfizî düğeli kâ'inât ve cemî'-i mahlûkâtı şehristân-ı 'ademden çıkarub sahrâ-yı vesî'îl-



fezâ-yı vücuda cem' kıldı ve hikmet-i bâliğası ânların [s.118] muvâfakati muvâlefetini birbirile "ve el-kaytû 'aleyke mehabbeten minnî" mefhumunu şîrâze-i irtibât ve i'tilâf-ı eczâ ve evrâk-ı nüsha-i câmi'a-i insânî kılub her vakit meymenet-iktirânda kerem-i mu'tâdlarından bir bende-i sa'âdet-ahterini imtiyâz virüb nişân-ı zîşân "innî câ'ilûke linnâsi imâmen" ve tuğrâ-yı ğarrâyı "innâ ce'alnâke halîfeten fi'l-'arz" mazmûnile fermân-revâylik mertebesine irişdirüb hulâsa-i mevcûdât ve ğâyet-i icâd-ı mükevvenât efdal-i enbiyâ ve rasulike ümmeti kılub "küntüm hayra ümmetin uhricet linnâsi" hitâbı ile ihtisâs ve imtiyâz virüb tevfiğ-i mütâba'at-ı ğarrâ ve şeref-i himâyet-i millet-i zehrâyı refik itdi te'âlallâh zihî kayyûm-ı dâna "tüvânâyı dihi her nâ-tüvânâ" ve ğurer-i dürer-i salavât ve tahiyyât ol verd-i mutarrâ-yı gülistân "ve mâ erselnâke illâ rahmeten li'l-âlemîn" zîbende-i gülşeni "Lî ma'allâhi vaktün" ki sezâvârdır ki rütbe-i hilâfet âniñ atebe-i sidre mertebesi vusulünden artıklık kesb idüb istekservâ mine'l-ihvân ve'l-mehhâbîne fillâh kelime-i câmi'alarına tevfir-i ehîbbâ ve teksîr-i esdikâ ısdâr eyledi Rasûl-i Arab-şâh-ı Ümmî-lakab "Delîl-i Acem Rehnûmâ-yı Arab" dürûd-ı nâ-ma'dûd ol serverin âl ve ashâbına kim ânların ihtirâmı müceb-i husûl-i sa'âdât ve muhabbetleri sefine-i nûh necât bulub mazmun-ı sıdk-meşhûn sâbıkûnû's-sâbıkûn ve râhnûmâ-yı mesâlik "bi-eyyihim iktedeytüm ihtedeytüm" ile serefrâz ve mümtaz olmuştur husûsan Hulefâ-i Râşidîn-i mühdiyyîn kim erkân-ı kavîme-i şer' mübîn ve anâsır-ı erba'a-i âlem-i dîn ve yârân-ı muvafık-ı seyyidi'l-murselîn ve a'vân ve ensâr-ı hâtemü'n-nebiyyîn derler radiyallâhu te'âlâ anhum ecma'în emmâ-ba'd âlî-hazret-i sâmi-rütbet-i melik-haslet sûtûde-i menkıbet-i Hurşid izâ et-i neyyir-i emâret Feridun-meniş İskender-dâniş Keyhüsrev-hikmet Nûşirvan-fıtrat bâsitü'l-emn ve'l-emân nâşirü'l-adl ve'l-ihsân umde-i dûdmân-ı Ekâsire zübde-i hânedân-ı Kayâsire hâmi-i havza-i sünnet ve cemâ'at mâhî-i âsâr-ı bid'at ve dalâlet hâdimü'l-haremeynü's-şerîfeyn zâbitü'l-makâmîni'l-mes'ûdîn el-muhtass bi-avâtıfı'l-meliki'l-mennân savb-ı bâ-sevâb-ı sa'âdet-karîn ve evb-i müstetâb-ı felek cenâblarına ed'ıye-i aliyye-i verdiyyeti's-şemâim ki mu'attar-sâz-ı mecâmi'-i icâbet ve lahlaha-fersâ-yı müctemi'ân-ı mahâfil muhalesatdır bedâyi'-i ta'zîm ve tekrîm ve kavâ'id-i tevkîr ve tefhim-birle tuhfe-i bezm-i İrem-tev'emleri kılınmakda arâ'is-i âmâl bu vechle irâdet olunur ki bu sâ'at-i meymenet-iktirânda kim kısmet hâne-i ezelden zât-ı bahtiyârımız "ve ce'aleküm halâ'ife fi'l-ardi" ni'ami celîle-i ilâhiyyeden hissedâr ve sihâm-ı mukaddere "enne'l-'arda" lillâhi "yerisühâ ibâdiye's-sâlihûn"dan müstehak sehm-i a'lâ olub ittifâk-ı ulemâ ve meşâyih [s.119] ve eşrâf ve ulemâ-yı ızâm ve fudalâ ve re'âyâ ile serîr-i hilâfet kubbetü'l-islâm Buhârâ hamıyyet-i anî'l-âfât ve'l-belâyâ bize müfevvaz oldu dâ'iyye-i icrâ-yı ahkâm-ı şerî'at-ı mutahhara-i rasûlû's-sakaleyn ve revnak ve revâc-ı milleti bâhire-i burhânî'l-hâfikîn enver gönlümüzde merkûz olup bu bâgirân-ı emânet-i uzmanın "Ve üfevidu emrî ilallâhi innallâhe basîrun bi'l-ibâdî" tazarru'u ile zîver-i gerdeni kabul kılınmışdır cenâb-ı bârî azze ismuhû dergâh-ı icâbet-penâhdan mes'ûldür kim "adlû sâ'atin hayrun min ibâdeti seb'ine senetin" mazmununa mazhar olup şerî'at-i Muhammedî 'aleyhi mine's-salavâtı e'imme-hâ ve mine't-tahiyyâti ekmelühâ bizim eyyâm-ı devletimizde özge revâc bulsun "el-hamdü-li'llâhi ve'l-mennihi" sipâh-ı nusret-intibâhımız ki katrât-ı emtârdan artık derler fermân-ı vâcibü'l-iz'ân "ve ağlaza aleyhim" farz-ı 'ayn ve 'ayn-ı farz bilüb itfâ-i şerâre-i küffârı etrâf ve intifâ-i eşrâr müteveccih olup hem-vâre kal' ve kam'-ı mazarrat-ı müşrikîn ve ihmâd-ı nevâ'ir-i şer ve fesâd-ı küffâr-ı muhâribîn için hamıyyeten li'l-İslâm ve'l-Müslimîn ve sikaten bi'llâhi rabbi'l-âlemîn teşhiz ve a'dâd-ı esbâb-ı cihâd ve ictimâ' ve ihtişâd-ı ecnâd-ı zafer-i'tiyâdda evkât-ı şerîfimiz masrûf ve ma'tûfdur sûtû'-ı nûr-ı İslâm ve inkışâ'-ı küfr ve zalâm ve isti'mâr-ı bilâd ve âsâyış-i ibâd müdde'â üzre hâsıl olmuştur 'ale'l-husûs Allah te'âlânın inayetinden bed-kîş olan Kalmuk keferesi huz lehümü'llâhu fi-dârî'l-bevâr vürûd semm-i merâkib mevâkib-i asâkir-i zafer-me'âsirden menkûb ve meslûb olup kadîmî yurdundan ve menzilinden geçüb sergeşte-i bevâdın ğayr-i zer'in olmuştur ve ma'a zâlik "uktulü'l-müşrikîne haysü vecedtü'mühüm" imtisaliyle



te'âkub idüb cümle müşrikîni nâr-ı cahîme göndermişiz ve dahî Hârezm vâlîsi kim bundan evvel bu yurda tâbî' değil idi şimdiki âfitâb-ı devletimiz 'adâlet ufkundan çıkubdur kabâyıl ve kurâsı asâkir-i nusret-me'âsire mutî' ve münkad ve bende-i fermân-berdâr olmuştur ve dahî selâtîn-i Kazak ve Karakalpak ve Deşt-i Kıpçak'ın sâyir askerleri halka-i itâ'atimizi gûş-ı hûşlarına küpe kılub hizmetimizde hâzır ve müheyyâ dururlar ve biraz Tönbeki ve Hatırla(?) -i Kazak kim fitne ve fesâda baş olup cümle Müslümanlara zararları isâbet iderdi 'arza-i süyûf-ı kavâtı'-ı mücâhidîn ve tu'me-i merehfât-savârim-ı gûzât-ı Müslimîn oldu eş-şükrü lillâh her vaktde kim asâkir-i İslâm esnâf-ı muhâlîfin ile mukâbil olurlar feth ve nusret alâ-sebîl-i-isti'câl istikbâl olunmuştur kalan ehl-i bid'at ve dalâlet meskeni muvattın-ı ehl-i hak ve îmân oldu kenâyis ve me'âbid-i küffâr mahall-i ikâmet-i cum'a ve cemâ'ât oldu dâyimül-evkât mazmun-ı sıdk meşhûn ve "*le'in şekertüm le-ezîdenneküm*" nasbül-'aynımız olub secedât-ı şükrü takdîm ideriz bu sebebden öyle ma'lûm oldiki [s.120] hazret-i Hâlîki'l-berâyâ ve vâhibül-atâyâ kim sultânü's-selâtîn ve burhânül-havâkîn teşrîf-i şerîf "*tü'ti'l-mülke men teşâ' ve tü'izzü men teşâ'*" ile ol şevket ve haşmet-penâhı mümtaz ve ser-efrâz idüb Kostantiniyye hamâhallâhu ani'l-âfât ve'l-beliyye vilâyetinde sultân ve ol hudûda hükümrân kılmış ittihâd yüzünden "*inneme'l-mü'minûne ihvetün*" muktezasınca müceb-i meserret-i tâm ve behcet-i mâlâkelâm oldu cemî'-i ehl-i İslâm husûsan selâtîn-i zevî'l-ihtirâma vâcib bile farzdır kim ta'assub-ı dînî yüzünden her nerede olurlar ise birbiriyle muvâfık olub mâbeynlerinde dostluk ve âşinâlık kapusu açılson şöyle ki ol tarafda kâfir-i bî-dîn olsa bizim ittifakımızdan ve samsam-ı intikâmımızdan ma'dûm ve münhedim ola tâ sağır ve kebîr kim ehl-i âlemden azîmet-i Hicaz kıla muhâlîfden sâlim ve ğânim geçüb ol makâm-ı mahmûd ve mekân-ı mes'ûde kim "*ve men dehalehû kâne âminen*" ânın şânında vâki' olmuştur vâsıl olalar şimdi tevâfuk-ı dînî ve tevâsuk-ı yekcihetî muktezasınca gelecek eyyâm-ı hayr-encâmı nâme-i peygâma masrûf olmasın lâzım ve elzem görüb fezâyil-i âsâr-ı kemâlât-disâr efdalü'l-muhakkıkîn eddeka'l-müdakkikîn-i ri'yâset-penâh ifâdet-i destgâh-ı sa'âdet-karîn Hâce Muhammed Emîn kim a'yân ve eşrâfın zeylinde görünmüş 'âlimizde oturub ma'a-zâlik Muhrim bizim hâs ve halîs hacele-i ihtisasımızdır sefâret-i resmîle taraf-ı kesîri's-şereflerine irsâl kıldık kim esâs ve muvâfakat ve bünyâd-ı musâhabet fimâ beyne te'kid ve teşyîd bulub âvâze-i vifâk ve ittifâk ehl-i İslâm âfâkda meşhûr ve ma'rûf olub ânın netâyicinden etrâf ve cevânib belki ekârib ve ecânibden a'lâm-ı İslâm mürtefi' ve ru'ûs-ı ehl-i bid'at ve zalâm menkûb ve münhafız ola ol nekim elçiler varmışlar müşârun-ileyhin mertebesin ânlardan çok yukarı bilüb istinâ'ât-ı pâdişâhâne ve tefekkudât-ı mülûkâneden mümtaz kılub edâ-yı âdâb-ı sefâret ve takdîm-i kavâ'id-i risâletden sonra ruhsad virüb mürâca'at buyurulmağa hâtır-ı enverimiz müteveccihdir eyyâm-ı hilâfet ve ikbâl-i ebediyyi'l-ittisâl ve te'yîd-i hâlik-i zi'l-celâl-i lâ-yezâl nasîb-i rüzgâr-ı ferhunde-âsâr-ı yâd-bâlini ve âlihi'l-emcâd

Fî 22 Zilhicce sene 1117

Мактубнинг соддалаштирилган шакли

**Салтанат эгаси подшоҳ хузурига Ўзбек хони Убайдуллахондан
келган мактубнинг нусхасидир.**

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

Ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, ҳамма нарса унга муҳтож бўлган ва ҳамма нарсанинг эгаси Аллоҳнинг мадади билан қувватланган Султон Аҳмад, Аллоҳ унинг фаровонлиги ва саодатини бардавом қилсин, чексиз шукр ва ҳамднинг чакмоқ каби ёрқин нурлари ва саноксиз шукр ва мақтовнинг порлоқ жавоҳирлари У буюк ва муқаддас бўлган Мулк эгаси(Аллоҳ)га



хосдир. Моҳиятлар негизидagi “*Мен сирли бир хазина эдим, ошкор бўлишни хоҳладим*”¹ хазинасидан ва махлуқот ичида бир тур бўлган инсонни энг гўзал сиймо билан “*Батаҳқиқ, инсонни энг яхши сувратда яратдик*”² оятига мувофиқ яратди. У барча исмлари ва сифатлари билан сифатланган, шериги ва ўхшаши йўқ, барча камчилик ва йўқ бўлиш аломатларидан йироқ ва ҳолидир.

Ҳамма нарсани бошқарувчи, ҳукми бутун коинотни ва бутун махлуқларни йўқлик шаҳридан чиқариб, борлик фазосининг кенг саҳросига жамлади. Мукаммал ҳикмати[s.118] уларнинг муносиб дўстлигини бир-бирига нисбатан “*сенга Ўзимдан муҳаббат солдим*”³ тушунчасини, инсон жамиятини китоб саҳифаларининг бўлаклари сингари йиғиб, жамланган китоб жилди каби ҳар доим саодатга етаклашда одатланилган лутф ва икромдан саодат юлдузининг қуллигини иноят қилиб берди. Шарафли нишон “*Албатта мен сени инсонларга имом қилдим*”⁴ ва улуғвор муҳр “*албатта, Биз сени ер юзидида халифа қилдик*”⁵ маъносида ҳукмдорлик мартабасига чиқарди. Яратилганларнинг энг суюқлиси ва коинот яратилишига сабабчи, пайғамбарлар ва хабарчиларнинг энг фазилатлисининг уммати қилди. “*Сиз инсонлар учун чиқарилган энг хайрли умматсиз*”⁶ хитоби билан ўзгачалик ва устунлик берди. Исломиятни қаттиқ ушлашга ёрдамчи ва софдил миллатни ҳимоя қилиш шарафига шерик қилди. Энг яхшисини билгувчи ва ўзидан бор бўлган, “кучли, кучсиз” яратилганларнинг ҳаммасини борликда тутгувчи Аллоҳ сизни улуғласин.

Дуолар ва саловат марваридларининг нурлари, У гулистоннинг беғубор атиргули “*Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик*”⁷, гул боғининг беағи “*Аллоҳ бирла бир вақтим бор*”⁸ (Пайғамбаримиз с.а.в.), халифалик мартабаси Унинг Сидра(еттинчи қават осмондаги мақом) остонасига кўтарилгач яна ҳам ошди. - У дўстлари ва биродарларининг истаклари

¹ Бу ифода ҳадислиги борасида турли қарашлар бўлган бир ривоятнинг парчасидир. Ривоятлардан бири қуйидагича: “Кунту канзан махфийян фа аҳбобту ан ʼурифа фа халақтул халқа ли ярифуний” “*Мен сирли бир хазина эдим, ошкор бўлишни хоҳладим*, ошкор бўлишим учун халқни(яратилган барча нарсаларни) яратдим.” (Ҷалишкан, 1992: 121.; Yıldırım, A. 2000: 98)

² “лақад холанал-инсана фи аҳсани таквим”, “Батаҳқиқ, инсонни энг яхши сувратда яратдик”(Shayx Muhammad Yusuf, 2012e: 502).

³ “Ва ал-қайту ʼалайқа муҳаббатан минни”, Бу ифода Тоҳа сурасининг бир оятидан олинган. Қаранг. “Уни (чақалоқ Мусони) сандикқа сол, уни эса дарё(Нил)га ташла. Дарё уни соҳилга отсин. Уни Менинг душманам ва унинг душмани(Фиравн) олади, дедик. Ва сенга Ўзимдан муҳаббат солдим. Буни кўз олдимида етиштирилишинг учун (қилдим)” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012c: 576)

⁴ “Инни жаъилука линнаси имаман”, Бу ифода Бақара сурасининг бир оятидан олинган. Қаранг. “Иброҳимни Роббиси калималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этганини эсла! (У Зот) “Албатта, Мен сени одамларга имом қилмоқчиман” -деди. “Зурриётимдан ҳамми?” - деди. (У Зот) “Золимлар аҳдимга ҳеч қачон эриша олмазлар”, -деди.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012a: 105).

⁵ “Инна жаъалнака халифатан фил-ʼарз”, Бу ифода Сод сурасининг бир оятидан олинган. Қаранг. “Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзидида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавойи нафсга эргашма! Яна, у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албалта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга, унутганлари учун, ҳисоб кунидида шиддатли азоб бордир.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012d: 165).

⁶ “Кунтум хойра умматин ухрижат линнаси”, Бу ифода Оли Имрон сурасининг бир оятидан олинган. Қаранг. “Одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳий мункар қиласиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоблар иймон келтирганларида, ўзларига яхши бўлар эди. Улардан мўминлари бор. Кўплари фосиқлардир.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012a: 382).

⁷ “Ва маа арсалнака илла раҳматан лил-ʼаламийн”, “(Расулим!) Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012c: 667).

⁸ “Ли маʼаллоҳи вақтун”, Бу ифода бир ҳадисдан олинган. “Менинг Аллоҳ билан баъзан шундай яқинлик оним бўлурки, ўша пайтда (орага на Аллоҳга энг яқин фаришта, на бошқа бир пайғамбар кира олур)”



Аллоҳ учундир сўзига қўшимча равишда, дўстларнинг ва садоқат кўрсатувчиларнинг кўпайтирилишини буюрди. Лақаби Умми бўлган арабларнинг шоҳи Пайғамбар “Ажамларнинг йўлбошчиси, арабларнинг йўл кўрсатувчиси”, беҳад мақтовлар У раҳнамонинг оиласи ва асҳобиға бўлсинким, уларнинг ҳурмати, муҳаббати ва саодатларидан Нух(а.с.)нинг кемаси омон қолди.

Ҳақиқат моҳиятининг тўлдирувчиси, аввалгиларнинг аввалгилари ва йўлларнинг йўлбошчиси -“Қай бирига эргашсангиз ҳам ҳидоят топурсиз”¹ марҳамати билан бошлари тик ва сарадирлар- айниқса, ҳидоят берувчилар ҳисобланган Халифайи Рошидийн(Тўрт Халифа) ки уларга нисбатан - шариатнинг асосларини энг тўғри шарҳлаганлар, дин оламининг асос тўрт унсури, расулларнинг расулига эргашиш дўстлари, охирзамон пайғамбарининг ёрдамчилари ва содиқлари дерлар, буюк Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин.

Бундан сўнгра, ҳукмдор табиатли, улуғ мартабали буюк Ҳазрат, Хуршид қиссаларида мақталган, амирлик нурлари билан ойдинлатган, Фаридун мижозли, Искандар билимли, Кайхусрав ҳикматли, Нуширавон фитратли, хотиржамлик ва хавфсизликни оширган, эҳсон ва адолат тарқатувчи, Кисралар хонадони ишончи, Қайсарлар хонадонининг асли, суннат ва жамоат ҳавзасининг ҳимоячиси, далолат ва бидъат асоратларини йўқ қилган, Макка ва Мадина хизматчиси, муқаддас мақомларнинг кузатувчиси, эҳсони туганмас мулк эгаси(Аллоҳ)нинг эҳсони унга берилган, савоб билан саодатга ноил бўлган ва толеи тўғри манзил узра бўлган; нафис ифорли атиргулнинг дуолари, - қатнашчилар йиғилган жойларга ажиб ифор таратур ва мажлисда йиғилганларнинг биргалиги дўстонадир - ўхшаши йўқ таъзим, ҳурмат, виқор ва эҳтиром қоидалари билан бирга Эрам каби суҳбат мажлислари сизга тортиқ қилинмоқда.

Амалларнинг амалга ошиши шундай бўлсинки, икки саодат битта жойга келган бу замонда- қисмат азалдан толеъли каминага ва “уларнинг ортидан сизларни ер юзида ўринбосар қилдик”² илоҳий улуғ неъматларидан насибадор ва топширилган ҳиссалар Аллоҳнинг “Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар”³ ифодасида тасдиқланган улуғ ҳисса бўлиб,- олимлар, шайхлар, раҳнамолар, улуғ олимлар, фозиллар ва бутун халқнинг иттифоқи орқали балолардан ва офатлардан холи Исломнинг қуббаси бўлган Бухоронинг халифалик тахти бизга топширилди.


Инсонлар ва жинларнинг пайғамбарининг пок илоҳий ҳукмлари амалга ошиши учун қилган дуо ва фикрларнинг очиқ-ойдин далили, миллатнинг қийматлиси ва безаги, нурли қалбимизни ҳаракатлантириб турувчи улуғ омонатнинг авлоддан авлодга етказувчиси “Ишимни Аллоҳнинг ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир”⁴ деган ёлворилари буни айтгувчи дудокларнинг безаги сифатида қабул қилинди.

¹ “Асҳоби ка’н-нужум би-аййихим иктадайтум ихтадайтум”, (Асҳобим юлдузлар кабидир. Қай бирига эргашсангиз ҳам ҳидоят топурсиз”. Бу ифода ҳадисдан олинган. Ҳадис ҳақидаги маълумот учун Қаранг.. (Yıldırım, E. 2009: 233).

² Бу ифода Юнус сурасининг бир оятдан олинган. Қаранг. “Сумма жаъалнакум халаъифа фил-арзи мин баъдиҳим лининзура кайфа таъмалуна”, “Сўнгра, қандай амал қилишингизга назар солишимиз учун уларнинг ортидан сизларни ер юзида ўринбосар қилдик.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012c: 15).

³ “Аннал-арза ярисуха ъибадийас-солихун”, Бу ифода Анбиё сурасининг бир оятдан олинган. Қаранг. “Батаҳқиқ, Зикрдан сўнг Забурда ҳам: “Албатта, ерга солиҳ бандаларим меросхўр бўлурлар”, - деб ёзган эдик” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012c: 667).

⁴ “ва уфаввизу амри илаллоҳи инналлоҳа басирун бил-ъибади”, Бу ифода Ғофир сурасининг бир оятдан олинган. Қаранг. “Ҳали, мен сизга айтаётган гапларни эслайсизлар. Ишимни Аллоҳнинг ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012d: 262).





Жаноби Ҳақ, - Унинг исми азиз бўлсин- паноҳ қабул қилинган даргоҳидан масъул бўлган, Унинг “*Бир соатлик адолат етмиш йиллик (нафл) ибодатдан афзалдир*”¹ (ҳадисининг) моҳиятига етиб, Муҳаммад(с.а.в.)нинг - имомларнинг саловат ва мукаммал дуолари унга бўлсин- шариати бизнинг салтанат кунларимизда буткул ўзгача кадр топсин.

“Аллоҳга ва Унинг неъматларига ҳамд бўлсин” Аллоҳнинг мадади билан хушёр лашкаримиз - ки ёмғир томчилари сингари кўп дерлар- уларни тетиклаштирадиган огоҳликка чорловчи фармонни фарзи айн ва фарзнинг манбаси деб билдилар. Чор-атрофдаги кофирларнинг учқунини сўндириш ва ёмонларни бостиришга отландилар. Ҳамиша мушрикларнинг зарарларини бартараф қилиш, илдизи билан қуришти, ёмонлик оловини ўчириш ҳамда жанговар кофирлар фасодига қарши ва Ислом учун мусулмонлар шижоат кўрсатдилар. Оламларнинг робби бўлган Аллоҳга ишониб, шарафли вақтимиз, жиҳод сабаблари сонини орттиришга ва ғалабага одатланган лашкарни тўплашга сарфланди ва қаратилди.

Ислом чирогининг нури куфр ва қоронғуликни ойдинлатиш, ҳудудларни обод қилиш ҳамда қулларнинг осойиши-хавфсизлиги иддаоси йўлида барқарордир.

Авваламбор, буюк Аллоҳнинг мадади билан ёмон динли Қалмуқ кофирларни - уларни Аллоҳга ҳавола қилдик - аскарлар уларнинг жойига етиб бориб, тор-мор қилди ва ғалаба қозонди. От-уловсиз қадимий юртини ва уйларини ташлаб, деҳқончилик қилинмайдиган чўлларда сарсон бўлдилар.

Шунингдек, “*мушрикларни қаерда топсангиз, ўлдиришлар*”² буйруғига биноан уларни тақиб қилиб, барча мушрикларни жаҳаннамга жўнатдик.

Ва Хоразм волийси ҳам - ки бундан аввал бу юртга тобе эмас эди- ҳозирги давлатимизнинг гўзаллиги адолат уфқи чегараларини ошиб ўтди- қабилалар ва қишлоқлар аскарларимизга итоат қилиб, бўйин эгдилар ва итоатга чорловчи фармонимга қуллиқ қилдилар.

Ва Қозоқ, Қорақалпоқ ҳамда Дашти Қипчоқ султонларининг бошқа аскарлари итоат халқамизни қулоқларига сирға қилиб, хизматимизга ҳозир ва шай турибдилар.

Ва Тўнбеки ва Хатирлайи(?) Қозоқ бироз фитна-фасодга бош бўлиб, барча мусулмонларга зарари тегар эди, жангчиларнинг ўткир қиличи қуввати ҳамда мусулмон ғозийларнинг чархланган кескир қиличларининг озиғи бўлдилар.

Ҳар доим Аллоҳга шукр бўлсинки, Ислом аскарлари муҳолиф синфларга фатҳ ва Аллоҳнинг мадади ёрдамида қаршилашди- сарқит амаллар ва бидъат аҳли яшайдиган жойлар имон ва ҳақ аҳли кишиларининг ватанига айланди. Черковлар ва кофирларнинг ибодатхоналари мажлис ва Жума ўқиладиган жойлар бўлди.

Ҳамиша ҳақиқат маъносини ўзида бус-бутун жам қилган “*агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман*”³ (ояти) асосий тамойилимиз бўлиб, шукрона саждаларимизни тақдим қиламиз.

¹ “Адлу соатин хойрун мин ибадати сабъина санатин”, Бу бир ҳадисдир. *Қаранг.* (Көмбе, 2014: 55-56-66). Бу ҳадиси шариф Тўпқопи саройида Адолат минорасининг (Қасри Адл) Ҳарам томондаги кириш эшигининг тепасига ёзиб қўйилган. Ўхшаш бошқа бир ҳадис учун Қаранг. “Одил султоннинг бир куни етмиш йиллик ибодатдан устунроқдир” (Imam-ı Gazali, 2016: 761)

² “Уқтулул-мушрикина ҳайсу важадтумухум”, Бу ифода Тавба сурасининг бир оятидан олинган. *Қаранг.* “Бас, ҳаром ойлар чиққанда, мушрикларни қаерда топсангиз, ўлдиришлар, тутинглар, қамал қилинлар ва уларни ҳар жойда пойланлар. Агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, йўлларига қўйиб юборинглар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012b: 518-519)

³ “Ла`ин шакартум ла-азиданнакум”, Бу ифода Иброҳим сурасининг бир оятидан олинган. *Қаранг.* “Яна унинг “Ва Роббингиз сизга: Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб билдирганини эсланг” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012c: 255).



Шунинг учун биз шундай биламиз, бутун махлуқотнинг яратувчиси ва эҳсонларни бағишловчиси, У султонларнинг султони ва ҳукмдорларнинг далили, шарафли шараф бергувчи (Аллоҳ)дир, “*Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан*”¹ ояти билан У маҳобат ва буюклик паноҳгоҳини сара ва бошини дароз қилиб Константиния - Аллоҳ у ерни офат ва балолардан асрасин- вилоятида Султон ва у ҳудудларга ҳукмрон қилди. Бирдамлигимизга “*мўминлар биродардирлар*”² оятига биноан не чоғлик севинч ва хурсанд эканлигимизни сўз билан таърифлаш имконсиз.

Барча мўминларга, айниқса, эътибор эгалари султонларга, уларни динга содиқликлари сабабидан қаерда бўлишларидан қатъий назар бир-бирлари билан келишиб, дўстлик ва биродарлик эшикларини очишлари фарздир. Яъниким у томонларда, динсиз кофирлар бўлса, бизнинг иттифоқимиз ва интиқом қиличимиздан йиқилсин йўқ бўлсин. Токи катта-кичик барчаси бу дунёдан у дунёга равона бўлсин.

Қарши чиққанлардан қутилиб, ғанимат(бойлик) эгасига айланиб, “*Ким унга кирса, тинч бўладир*”³ - Унинг улуғворлиги нишонаси ўлароқ пайдо бўлган- у мақталган ва саодат мақомига етишсалар. Энди диний уйғунлик ва бир-бирига бўлган ишончга мувофиқ истиқболда оқибати хайрли бўладиган кунларни хабар мактубида ёзилишини лозим деб топдик.

Фазилати таъсирли, яхшилиги зиёда, ҳақиқат ахтарувчиларнинг энг яхшиси, назоратчиларнинг энг диққатлиси, раислик қилувчи, ифодаси кучли, саодатга яқин Хўжа Муҳаммад Амин- ўзи сара ва илғорлар қаватида, ёнимизда турган- ва шу билан бирга муҳрим(ҳаж либоси кийган), бизнинг жуда яқин ва тамиз авлодимиздир, расмий элчи қилиб улуғ томонингизга юбордик.

Ки ҳақиқий суҳбат ва орамиздаги ўзаро муносабатлар кучайсин ва мустаҳкам-лансин. Дўстлик ва иттифоқ садоси аҳли Ислом оламида машҳур ва маълум бўлсин. Бунинг натижасида теварак атрофдаги мусулмонлар ҳам юксалиб, қоронғу ва бидъат аҳлининг раислари дард ва машаққатда қолсинлар.

Борадиган бу элчилар уларга кўрсатиладиган мартабасини ўзларидан юқори билиб, бошқа подшоҳ ва султонларга қиладиган хитобидан устун тутиб, элчилик одобини ўринлатиб, элчилик қоидаларини намойиш қилгач, мурожаат қилишга рухсат берсангиз нурли кўнглимизни шод айласангиз.

Халифалик кунлари абадий саодатга етишиш ва йўқ бўлмайдиган азамат эгаси Яратганнинг мадади, қалб қанотининг муборак шабадаси сизга ва хайсиёт эгаси оилангизга насиб қилсин.

6 апрель 1706 йил

Хулоса. Архив манбалари биринчи қўл манба бўлганлиги боис тарих ва маданият тадқиқотлари учун ўта муҳимдир. Туркия архивларида Ўзбекистон тарихи ва маданиятига алоқадор кўплаб ҳужжатлар сақланмоқда. Ушбу ҳужжатларга таяниб, олиб бориладиган

¹ “Туъитил-мулка ташаъ ва туъиззу ман ташаъ”, Бу ифода Оли Имрон сурасининг бир оятидан олинган. *Қаранг*. “Айт: “Барча мулкнинг эгаси Аллоҳим! *Хоҳлаган кишингга мулк берурсан* ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан. *Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан*, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилиқ Сенинг қўлингда. Албатта, сен ҳар бир нарсага қодирсан.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012a: 326).

² “Иннамал-муминуна ихватун”, Бу ифода Хужурот сурасининг бир оятидан олинган. *Қаранг*. “Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини ислоҳ қилинг, Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, раҳим қилинсангиз.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012d: 551).

³ “Ва ман даҳалаҳу кана ъаминан”, Бу ифода Оли Имрон сурасининг бир оятидан олинган. *Қаранг*. “Унда очиқ аломатлар ва мақоми Иброҳим бор. Ким унга кирса, тинч бўладир. Одамлардан йўлга қодир бўлганларга Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир. Кимки куфр келтирса, Аллоҳ одамлардан беҳожатдир.” (Shayx Muhammad Yusuf, 2012a: 371)



илмий ишлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятига ҳозирча номаълум бўлган бир қатор янги маълумот билан бойитади. Мазкур мақолада туркий (эски ўзбек тили)да ёзилган М.1706 йил 6 апрель санали Бухоро ҳукмдори Убайдуллахон II нинг Усмонли ҳукмдори Аҳмад III га юборган мактуби тадқиқ қилинди. Мактуб транскрипция қилинди, шунингдек, тушунилиши анчайин мураккаб бўлган матн соддалаштирилиб, ўқувчи тушуна оладиган ҳолатга келтирилди. Бошқа томондан, дипломатик, таркиб ва тил хусусиятлари жиҳатидан тадқиқ қилинди. Бундан аввал бирор бир тадқиқот олиб борилмаган мактуб илмий манбалар қаторига қўшилди. Мактуб ўз даврининг ёзишма тили ва услубини англаш борасида муҳим маълумотлар ўрганишимизни таъминлади. Дипломатик жиҳатдан фундаментал ёзишма усулларига мос тарзда ёзилган. Фойдаланилган тил жуда юқори савиядаги ва бадиий тил бўлиб, тушуниш анчайин мушкул. Мактубда даврининг ёзишма тили ва услубига мувофиқ Ислом маданиятининг чуқур таъсирлари кўзга ташланади. Маълумотлар ва фикрлар баён қилинаётганда уларни дастаклаш ва далиллаш мақсадида мунтазам Қуръондан оятлар ва ҳадислардан иқтибослар келтирилади. Гаплар анчайин узун бўлиб, бир гапнинг ичида бир неча фикр ва маълумот берилади. Бу услубга қўшимча тарзда, кўп сонли арабча ва форсча сўзлар қўлланилганлиги матнни тушунишни қийинлаштиради. Ишлатилган сўз бойлиги ва ифода тарзи тушунишни қийинлаштириш билан бирга мактубни ёзган котибнинг маҳоратини ва билим савиясининг юксак эканлигини кўрсатади. Хоссатан, даврининг Ислом маданиятини чуқур эгаллаган кишиси эканлиги англашилади. Бошқа томондан даврининг таълим тизими кучига ишора қилади. Матн узун ва комплекс гаплардан таркиб топганлигига қарамай, структур ва мантикий ғализлик учрамайди. Мактуб хонликнинг ўша даврдаги ҳолатни ва Убайдуллахон амалга оширган ишларни қисқача баён қилади.

